

2024 йил - ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

Assalomu alaykum, azizlar!

MARKAZIY FARG'ONA

YOZYOVON
TUMANI
HOKIMLIGINING
GAZETASI

Хар бир давлат
органи кундалик
фаолиятида
ОАВ билан
яқин
мулоқот ва
ҳамкорликни
йўлга қўйиши
зарур ва шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Gazeta 1953-yil 9-iyuldan chiqqan boshlagan www.markaziyfargona.uz 2024-yil, 8-fevral, payshanba № 4 (7576)

Семинар

ИМКОНиятлар КЕНГАЯДИ

Туман ҳокимлиги катта мажлислар залида аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш, уларни бандлигини таъминлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар юзасидан семинар бўлиб ўтди.

Семинарда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳабиб Сирожитдинов, туман ҳокими Дилшоджон Джалилов, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқарувидан вакил, туман иқтисодий мажмуа ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 январдаги "2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш, уларни бандлигини таъминлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тузилиб, туманимизда бўлишди.

Семинарда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман ҳокими сўзга чиқишиб, аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш борасида 2024 йилдаги муҳим вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда қарор ижросини намунали ташкил этиш юзасидан тушунчалар беришди.

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви вакили Жамшид Йўлдошев бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи вакиллари 10 та йўналишда ("Бизнесни ривожлантириш банки"нинг 8 та молиявий инструментларидан фойдаланиш, ўзини ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш компаниясининг молиявий инструментларидан фойдаланиш, микрокредит ташкилотлари сони ва қамровини кенгайтириш, оилавий тадбиркорлик дастурларидан самарали фойдаланишдаги янги ёндашув, касаначилик фаолиятини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, деҳқон хўжалиги учун ижарага узоқ муддатга ер олган аҳолини кооперативларга бирлаштириш ва агрегатор тизимини йўлга қўйиш, бўш бино-иншоотлар ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш, иш ўринлари ҳисобини юритиш, норасмий иш ўринлари ва тадбиркорларни солиқ базасига киритиш, яширин иқтисодиётни камайтириш) тақдимот тарзида семинар ўтиб берди.

Семинарда ҳоким ёрдамчилари фаолиятларида учрайдиган масалалар ҳамда ўтказилган семинар юзасидан ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ, уларни қўллаб-қувватлаймиз!



Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари Ҳабиб Сирожитдинов, туман ҳокими Дилшоджон Джалилов ҳамроҳлигида "Хунарамдлар маркази"да бўлдилар.

Марказда тикувчилик йўналишида тадбиркорлик қилаётган "ARGOLID" МЧЖ раҳбари Феруза Мамасодиқова ишчилар учун яратилган шароитлар билан таништириб, 100 нафардан ошиқ аёллар иш билан банд бўлганини, яна 100 та иш ўрни яратишини айтди. Тадбиркор амалий мономарказ ташкил қилишини ва бинога 70 кв ли қуёш панели ўрнатишини таъкидлади.

Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари давлатимиз томонидан қуриб берилган бундай бинодан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлаб, иш ўринлари сонини 2-3 баробар ошириш бўйича топшириқлар берди. Тадбиркор фаолиятини

ривожлантириш йўлида мутасаддилар ёрдам беришга доимо тайёр эканликларини айтиб, омадлар тилади.

Кейинги манзил Беруний МФЙда яшовчи тадбиркор Равшанбек Махмудов томонидан йўлга қўйилган поддон тайёрлаш цехида бўлди.

Тадбиркор 50 дан ортиқ ишчи ўрни яратган. Мавсумда поддон учун керакли бўлган материалларни хонадонларга тарқатиб, касаначилик усулида ишлатиб, тайёрланган поддон учун устида пулини санаб бериб, махсулотни йиғиштириб олади. Мавсумда бир киши поддон қоқиб, кунига 200 минг сўмдан ошиқ даромад қилади.

Масъуллар бу ишни янада оммалаштириш ва кенгайтириш, бўйича ҳоким ёрдамчисига топшириқлар беришди.

Таништирув

Мирзоҳид Хатамов
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмалари Ёзёвон тумани
бўлими бошлиғи этиб
тайинланди.

Туман ҳокимлигида ўтган ташкилий йиғилишда туман ҳокими Дилшоджон Джалилов, секторлар раҳбарлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмалари вилоят бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиявитдинов, маҳаллалар ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Туман ҳокими йиғилишда маҳалла тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида гапирди.



А.Зиявитдинов Мирзоҳид Хатамовни янги лавозимга тайинлангани ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди ва уни таржимаи ҳолини ўқиб эшиттирди. Шунингдек бошқарма бошлиғи кенгаш ваколати, яратилган имкониятлар ҳақида атрофлича тўхталиди.

Мирзоҳид Хатамов 1972 йилда туғилган. Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги университет)ни тамомлаган. Қўп йиллар таълим соҳасида ишлаган.

М.Хатамов лавозимга тайинланганга қадар Ёзёвон тумани ҳокими ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келган.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ, уларни қўллаб-қувватлаймиз!

1 Раҳбарлар Тошхувоз МФЙ маъмурий биносида бўлишиб, маҳалла ходимларининг ўз йўналишлари бўйича қилган ишлари юзасидан суҳбатлашдилар. Ҳоким ёрдамчиси Ғофиржон Эргашев билан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 9 январдаги "2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш дастури тўғрисида"ги қарори юзасидан туманимизда ўтказилган семинар

юзасидан суҳбатлашдилар. Маҳаллада келгусида амалга оширилиши керак бўлган лойиҳалар юзасидан фикр алмашиб, уларни тезлаштириш бўйича топшириқлар олдидилар.

Туманимиз маҳаллаларига бўлган ташриф давомида аҳоли фаровонлигини ошириш тадбиркорлигини ривожлантириб, қўшимча ишчи ўринларини яратишдан иборатлиги тарғиб қилинди.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

БИР ХУДУД — МАХСУЛОТ



Ҳонобод маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги "Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлб чиқаришда деҳқон ҳўжаликларининг уллушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорлари талаблари асосида деҳқон ҳўжаликларида экспортбоп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, сотиш ва экспорт қилишни тизимли ташкил этишга бағишланган кўргазмали семинар бўлди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари Алибек Турсунов, вилоят прокурори биринчи ўринбосари Мирзобедил Назаров, қишлоқ ҳўжалигига дахлдор туман ташкилотлари раҳбарлари, МФЙ раислари, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари қатнашдилар. Вилоят ҳокими ўринбосари туманда деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиш учун ажратиб берилган 1153 гектар майдондан унумли фойдаланишга қақариб:

— Ҳисоб-китобларга кўра, туманда 15-20 сотих майдондан 3-4 млн. сўм даромад қилаётганлар ҳам бор экан — деди А.Турсунов. — Қўшни туманларда 50 млн. сўмлаб даромад олаётганлар бор. Даромадни қўпайтириш учун экин тури ва навини тўғри танлаш керак. Берилган ерга поя экиш ярамайди. Бу ерлар сабзавот етиштириш учун берилган. Яна бир муҳим жиҳат "бир ҳудуд — бир маҳсулот" тамойилига риоя қилиш керак. Ана шунда ҳаражат кам, даромад кўп бўлади.

Семинарда вилоят прокурори биринчи ўринбосари ўтказилган хатлов жараёнларида қаровсиз қолдириб, яхши фойдаланилмаган 816 га ер қайтариб олинишини айтиб ўтди.

Алибек Турсунов МФЙ раисларига маҳаллаларнинг бир кўчасини томорқачилик бўйича намунали қилишни, ободончилигига эътибор қаратишни айтиб, сувни тежаш мақсадида ариқларни бетонлаш фақат фермерлар иши эмаслигини, бунга аҳолини жалб қилишни таъкидлади.

Томорқачилар томонидан ер ва сув таъминоти бўйича берилган саволларга мутахассислар жавоб қайтардилар.

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ.

МАҚСАДГА ЭРИШИЛДИ

Туман фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёр Мамажанов иштирокида Баҳор МФЙ ҳудудида жойлашган 39-мактабда махсус техникалар намоиши ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад — ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касбга бўлган қизиқишларини орттириш ҳамда фавқуллода бўладиган вазиятларда нималарга эътибор бериш ва

кимларга мурожаат этиш ҳақида билим ва куникмаларини оширишдан иборатдир.

Мактабда ўтказилган тадбирдан кўзланган мақсадга эришилди. Тадбирни чиройли ташкилланишида мактаб маъмурияти ҳамда ЧҚБТ раҳбарига алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.

**Хуршидбек ПАРПИЕВ,
Баҳор МФЙ ёшлар етакчиси.**

Қонунчиликдаги янгиликлар

33 ТА ФУНКЦИЯ ВА ВАКОЛАТЛАР КЕНГАШЛАРГА ЎТКАЗИЛМОҚДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони (ПФ-28-сон, 02.02.2024 й.) қабул қилинди

Фармонга кўра, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида 33 та функция ва ваколатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилди.

Масалан, давлат боғча ва мактабларини ташкил этиш, атмосфера ҳавосига таъсир этувчи корхоналарни қуриш жойларини, чиқиндилар қўмиб ташланадиган жойларни белгилаш, йўловчи ва юк ташиш тарифлари, жумладан фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифлар, табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва бошқалар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат органларининг ҳисобот (ахборот) ларини эшитишга доир айрим ваколат ва функциялари 10 тага бирлаштирилган ҳолда тизимлаштирилди.

Масалан, ҳокимлар ва улар ўринбосарларининг 7 турдаги (дастурлар ижроси; кичик бизнес, тадбиркорлик,

аҳоли бандлиги; кредитлар ажратиш; ҳоким ёрдамчилари ахборотларини эшитиш якунларига оид) ҳисоботларини эшитиш — ҳокимларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларини эшитиш доирасида кўриб чиқилади.

Фармонга мувофиқ, маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юкланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазифаларни маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгилаш амалиёти жорий этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган, маҳаллий Кенгашларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатларига хос бўлмаган вазифалар ижроси бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади.

Фармон билан 2024 йил 1 октябргача Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқиши назарда тутилган.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ

Аҳолини рўйхатга олиш доирасида шахсларнинг иқтисодий хусусиятларига оид статистик маълумотларни тўплаш зарурати кўплаб сабабларга боғлиқ. Мамлакат иқтисодий тузилмасининг кенг қамровли суратини, шунингдек, иш режими ва турмуш шартлари, меҳнат бозорида иштирок этиш ва мамлакат аҳолисининг меҳнатидан кам фойдаланиш тизимини яратиш учун шахсларнинг самарали фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳимдир.

Ушбу маълумот бошқа шахслар томонидан берилган маълумотлар билан биргаликда, аҳолини рўйхатга олиш доирасида йиғилган уй ҳўжаликлари ва уй-жойлар, шахслар ва уй ҳўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини баҳолашга имкон беради. Бу эса, иш ўринларини яратиш, камбағалликни камайтириш,

иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги муносабатлар, касб-ҳунар таълими ва ўқитиш, ижтимоий таъминот йўналишлари ва бошқа ижтимоий нафақалар бўйича имтиёзлар бериш, гендер тенглик ва ижтимоий инклюзивлик, фуқаролар иштироки ва бошқалар билан боғлиқ.

Аҳолини рўйхатга олиш статистик маълумотларни бошқа манбаларга нисбатан солиштириш имконини беради. Аҳолини рўйхатга олиш кўплаб кузатув саволномалари учун намуна олиш имконини беради, жумладан уй ҳўжаликлари кузатувлари ва ишчи кучи кузатувлари сўровномалари ва бошқалар.

**Шоҳруҳ АБДУБАННОВ,
Фурқат тумани статистика бўлими бошлиғи.**

ФИРДАВС ГРАНТ СОҲИБИ




14-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Фирдавс Ҳасабоев мuddатидан олдин 3 та Халқаро университетлар талабаси бўлиб, 64400 АҚШ долларини миқдоридидаги грант соҳиби бўлди. Иқтидорли ўқувчи IELTS ва бир қатор тил билиш сертификатларини юқори кўрсаткичлар билан қўлга киритган.

Ушбу қўлга киритган ютуқларида мактабнинг ингилиз тили фани ўқитувчиси Санъатхон Қодирова ҳиссаси катта.

Изланувчан ўқувчига шароит яратиб берган ота-онаси ва унинг устозларини ҳам бу муваффақият билан табриклаб, Фирдавсга кейинги ўқишларида ҳам омад тилаймиз.

Буюк мутафаккир боболаримизни ёд этиб

ДАВЛАТ АРБОБИ



Ўқув дарсликларида Алишер Навоий – «давлат арбоби, мутафаккир» дейилади-ю, лекин ҳазратнинг давлат арбобилик фаолиятлари ҳақида тузукроқ маълумотлар берилмайди.

Бу борада тарих манбааларига назар солишни таклиф этамиз.

Мир Алишер Навоий ҳақидаги тарихий манбаларда Ҳазрат ўз даромадлари ҳисобидан Ҳиротда «Ихлосия», «Шифоия», «Низомия» мадрасаларини, «Халосия» хонақоҳи ва яна бир қанча масжидларни, Марвда «Хисравия» мадрасасини курдирганлари, Фаридуддин Аттор қабрига мақбара ўрнаттирганлари ҳақида маълумотлар келтирилган. У киши курдирган тўғонларининг аниқ ҳисоби йўқлиги, халқ учун нақ 300 та иншоот курдириб

берганлари, ҳаммаси ўз ҳисобларидан қурилган – эҳсон йиғилмаган, ғазнадан ўмарилмаган, пиар қилинмаган.

Тарихчи Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» деган асари бор, ўқиб кўринг. Навоий ҳазратларининг зилзиладан шикастланган Ҳиротни қайта тиклаш ишларига ўз ҳисобларидан қанча маблағ сарфлаганларидан, қанча масжидни, қанча минора ва работларни таъмирлаб берганларидан хабардор бўласиз.

Навоий ҳазратларининг халққа жабр бўлмасин, дея бутун бошли Ҳирот аҳлига солинган солиқни бир неча бор ўз ҳисобларидан тўлаб берганларига бир эмас, бир нечта тарихчилар ўз асарлари орқали гувоҳлик беришади.

Манбаларга кўра, мадрасаларнинг нақ 12 минг нафар талабаси тўлиқ Навоий ҳазратнинг таъминотларида бўлган. Яъни у зот бу талабаларнинг мавсумий кийим-кечагидан тортиб, ўқув қуролларию озиқ-овқатига қадар ўз зиммаларига олганлар.

Яна шу тарихчимизнинг ёзишича, Навоий ҳазратлари ҳар йил бошида минг нафар камбағалга бошдан оёқ сарпо ҳада этишни одатга айлантирганлар.

Бошқа манбаларда қайд этилишича, ҳазрат Навоий "Халосия" хонақоҳида ҳар куни мингдан ортиқ

фақирлар учун овқат пиширтириб тарқаттирар эканлар. Машҳад шаҳридаги Имом Ризо боғида Дор-ул-хуффо номли иморат барпо қилдириб, у ерда ҳам ҳар куни камбағаллар, мухтожлар, касалмандлар, етим-есирларга уч маҳал овқат тарқаттирган эканлар.

Навоий ҳазратларининг саховатлари шу билан тугамайди. У зотнинг ўзлари курдирган иншоотларда ишлаган усталарни, ўзларига қарашли ерларда, дўконларда, боғларда ишлаган одамларни қандай рағбатлантирганларини, мукофотлаганларини ёзаман десангиз, бир китоб бўлади. Тасаввур учун тарихчиларнинг биттагина таърифи кифоя: «Мир Алишер ҳазратлари у ишчиларни шу қадар иззатлар эдиларки, бундай иззатга давлат арбоблари ҳам мушарраф бўлмаган...»

Бутун бир тарихимизда ўзининг умрини, иқтидорини ва бор мол-мулкни илм-фан тараққиёти йўлида, эл ободлиги йўлида, юрт равнақи йўлида сарф этган бошқа бир арбобни топмайсиз.

Хусайн Бойқаро салтанатини неча марталаб ўз дипломатияси ва оқилона тадбирлари билан шармандаликлардан, таназзуллардан сақлаб қолган ҳам ҳазрат Навоий эдилар.

Интернетдан олинди.

БОБУР ВАЛИЙ БЎЛГАНМИ?

Адабиёт оламида биттагина шох ва шоир бўлган. Унинг энциклопедик асари "Бобурнома" юзлаб тилларга ўғирилган. У фақат тарихчи эмас, географ, лингвист, этнограф, яна бир қанча соҳаларни эгаллагани, уларга бағишлаб асарлар ёзгани ҳақида биламиз.

Унинг ҳаёти ва фаолиятига диний нуқтаи назардан қараш кўпчиликнинг ҳаёлига келмаган жиҳатдир. Бобур ўғли Ҳумоюнмирзо ўлим тушагида ётганда, ўша замоннинг табиблари касалига шифо тополмай ожиз қолганида дин соҳасида етук бўлганлар шахзоданинг бошидан ўзига энг қимматли бўлган нарсани садақа қилишни сўрайдилар. Ҳатто мингдан зиёд фил берадиган Кўҳинур олмосини садақа қилишни маслаҳат берадилар.

Подшо ичкарига кириб, туни билан ибодат қилади ва эрталаб ўғлининг олдида кириб, энг қимматли бўлган жонини боласига тортиқ, яъни садақа қилади. Боласининг бошидан етти марта айлангач, ўтириб, Аллоҳдан ўғлининг дардини унга беришни, унинг сиҳатлигини эса ўғлига ато этишни сўрайди.

Шу ерда шариатдаги дуо ижобати ҳақидаги ҳукми эсласак: дуо ижобати уч хил бўлади. Биринчиси дуо Аллоҳга етишган мусулмон томонидан қилинса, ўша онда ижобат. Иккинчиси дуо мазлум ва мухтож томонидан қилинган бўлса, дуо фариштаси кўкка кўтарилиб



мазлум бошига келаётган балони даф қилиши, учинчиси ибодатгўйининг қилган дуоси қиёмат кунда ижобат бўлишидир, дейилади.

Шу томондан олиб қаралганда Бобур подшоҳнинг қилган дуоси ўша вақтдаёқ ижобат бўлиши, ўғли соғая, ўзи эса беморлаша бошлаб қаерга қўйилишини васият қилиши унинг валийлик мақомига етишганини исботи деб айтсак бўлади.

Чунки юқоридаги келтирилган ҳукмдаги ижобат валийлик мақомига эришганликни кўрсатади.

Афсуски, шўро даврида бу ҳақда ёзиш тугул тор доирада ҳам айтиш мумкин эмасди. Уйлаймизки, қаламқаш ижодкорлар ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятини ёритишда ушбу жиҳатни ҳисобга олиб, асар ёзсалар бобомизнинг ҳоли хусусиятини очиб беришга ўз ҳиссаларини қўшган бўлар эдилар.

Мўмин САТТОР.

Маърифий ўғит

КЎНГИЛНИ ОБОД АЙЛАБ...

Кўнгил – дунёдаги жамики нарсадан устун турувчи омил бўлиб, инсон ҳаётининг асосини ташкил қилади. Бу оламда бажариладиган энг гўзал амаллар – саховат, меҳр-шафқат, хайру эҳсон, ширисўханлик... барчасидан кўзланган муддао ҳам кўнгил мулкни обод айламоқликдир.

Инсон кўнглини олиш ислом динидаги энг савобли амаллардан саналади. Бир ҳадиси шарифда ширин сўзга ҳам садақа савоби ёзилиши айтилган. Бир биродарининг оғирини енгил қилмоқ учун қадам босган инсон жаннат боғларида юргандек бўлади, дейилади. Одамлар кўнгилни хушнуд этадиган амаллар сирасига очик чехралик ҳам киради.

Динимиз инсонда бор-у, лекин эгаси эшитса, ҳафа бўладиган қусурни гапириш ғийбат, унда йўқ нарсани гапириш тўхмат эканини уқтириб ҳар икки иллатдан ҳам сақланишни буюради. Беайб Парвардигор, инсон доимо ҳатога йўл қўйиши мумкин. Муҳими ана шу хатони тўғрилай билишда, Аллоҳ таоло инсонни ўзи яратган барча маҳлуқотлар ичида энг мукаддас ва азиз қилиб яратди. Инсон ўз ғазабини ютмоқ, бошқалар гуноҳидан ўтмоқ, кўнгилга йўл топтоғи лозим бўлади. Базан инсонлар хоҳламаган ҳолда бир-бирларини ранжитишади. Зеро инсон камчиликларини англаган заҳоти, кечирим сўрамоқлари ва бу каби ишларни бошқа такрорламасликка интилмоқлари лозим. Шундай қилса, ҳақиқий муслим мақомига эришадилар. Барчага бирдек очик чехра муомала қилмоқни Аллоҳ таоло ҳаммамизга муносиб айлосин.

Илҳомжон ҳожи РАҲИМОВ,
Шаҳрихон тумани Салмон Форсий жомеъ масжиди
имом хатиби.

Баҳромжон ЭРГАШЕВ,
фахрий журналист.

Муносабат

КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

"Марказий Фарғона" газетасидаги "Биргаликда курашайлик!" мақола кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотди. Сабаби, мақола вақтида ёзилган, оғриқли нуқта тилга олинган.

Тез-тез таҳририятга мақола-ларимни олиб бораман. Таҳририят ҳокимят ёнида жойлашганлиги учун "таниш чехралар" билан боғлиқ воқеаларга кўп гувоҳ бўлганман. Ҳаттоки миллий гвардия ходимларига уларни бўйсунмаётганини кўрганман. Буларни боқимандаликдан чиқариш учун турли асбоб-ускуналар ва тикув машиналари ҳам берилган. Бу техникалардан фойдаланмасдан, ҳаттоки сотиб юборганларини ҳам эшитганмиз. Аслида шукр қилиб, бу имкониятлардан фойдаланиб, оилангга ёрдам берсанг бўлади-ю, дейман.

Бозор биқинида бир ногирон болани биламан. У совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай этиқдўзлик қилади. Оиласини боқади. Тўрт муччаси соғ "таниш чехралар" шу йигитдан ўрнак олса бўлмайди?

Бир кун қизиқиб бу ногирон боладан сўрадим, "иссиққина



уйингда ўтирсанг бўлмайди", десам, "олтита жонни ким боқади, дадамга ёрдам бўлсин", деб ҳаракат қиляпман. Ҳокимят эшиги тагида "мен ногиронман", деёлмайман. Раҳмат ҳокимиятдагиларга, хайит, байрамларда хабар олиб турадилар. Ҳокимиятга "бер-бер", деб жанжал қилаётган боқимандаларга нима деган бўлардинг? Уларга инсоф тилайман", – деди этиқдўз йигит.

Мақолада ёзилгандек, маҳалла, кенг жамоатчилик биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш керак. Ана шунда бу боқимандаликдан, халос бўламиз.

Абдумўмин ХОЛБОБОВЕВ,
меҳнат фахрийси.

Қарор ва ижро

"МЕХР ДАФТАРИ"

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 26-қарори билан "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида» низом тасдиқланган.

Мазкур тартиб билан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этиш тартиби белгиланган.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокими

қарори асосида «Меҳр дафтари»га киритилади ва ундан чиқарилади.

«Меҳр дафтари» тизими — етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга ҳамда жамиятга ижтимоийлашувига кўмаклашиш, уларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларни рағбатлантириш, шунингдек болаларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан қарамоғидан маҳрум бўлиш сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган тизим яратилди.

Қудратбек АБДУЛЛАЕВ,
туман юридик хизмат
кўрсатиш маркази бош
юристконсулти.

Мутахассислар огоҳлантиради

ИС ГАЗИДАН САҚЛАНИНГ!

Кейинги вақтларда республика-мизда табиий ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлмоқда. Нохуш ҳолатлар натижасида бир қанча фуқаролар ҳаётдан қўз юмганлар.

Қишнинг совуқ кунларида ҳар бир уйда печкалардан, газ ёки турли хилдаги ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланилади. Ёқилғи маҳсулотлари ичида бошқаларга нисбатан хавфлироқ бўлгани бу табиий газ ҳисобланади. Табиий газнинг турли сабаблар билан хона ичига тупланиши оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлади ҳамда бунинг натижасида инсон турли тан жароҳатлари олиши ёки ҳаётдан қўз юмиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим ҳисобланади:

Хонадонга печка ўрнатилган пайтда унинг яхши ва соз ҳолатда уланиши, газ жўмрақларини, газ плитаси ёки печкага нисбатан

белгиланган масофада жойланиши, уй ичига печка ўрнатишдан аввал унинг мўрисида созлогини кўриб чиқиш, газ жўмрақларига болаларнинг яқин келмасликлари ва уни ўйнамасликларини, қолаверса инсон соғлиги ва ҳаёти учун зарарли ва хатарли бўлган барча нарсалар тўғрисида доимий ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Табиий ва ис газ билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазият юз берса:

-Заҳарланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билишимиз;

-103 телефон рақами орқали тез тиббий ёрдамга;

-104 телефон рақами орқали газ таъминоти хизматига;

-1050 телефон рақами орқали Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув хизматига мурожаат қилишни ёдда тутишимиз зарур.

Бахтиёр МАМАЖОНОВ,
туман ФВБ бошлиғи,
подполковник.

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИНГ!

Халк мақолларидан бирида «Пўлингни йўқотган бўлсанг — ҳеч нарсангни йўқотганинг йўқ, вақтингни йўқотган бўлсанг — кўп нарсангни йўқотмагансан, агар саломатлигингни йўқотган бўлсанг, ҳамма нарсангни йўқотгансан», деб беҳиз айтишмаган. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда тўғри ва оқилона овқатланиш кўникмаларига амал қилишимиз жуда муҳим. Организмининг меъёрий фаолият кўрсатиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан рационал овқатланишга боғлиқ.

Рационал овқатланиш деганда — бу организмнинг суткалик фаолияти жараёнида сарфланган энергия қиймати қабул қилинаётган овқатлар ҳисобига тўлиқ қопланишига тушунилади. Бунда ҳамма озиқ-овқат ва биологик фаол моддалар оптимал энг яхши нисбатда бўлиб, организмда ўзининг энг юқори биологик таъсирини

кўрсатади.

Кундалик ҳаётимизда амал қилишимиз муҳим бўлган қоидалардан бири — бу овқатланиш тартибидир. Кунига 3 марта истеъмол қилган овқатимизни 100 фоиз, деб олсак, шундан эрталабки нонушта 25-30 фоизни, тушлик 45-50 фоизни, кечки овқат 20-25 фоизни ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир. Кечки овқатни уйқуга ётишдан камида 2 соат олдин истеъмол қилишга ўрганишимиз керак. Чунки уни яхши ҳазм бўлиши ва тунги уйқуни меъёрий кечишини таъминлайди. Овқат қабул қилиш оралиғидаги вақт 4 соатдан ошмаганлиги маъқул.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, сиз истеъмол қилаётган овқатдан лаззат олишингиз муҳимдир.

Бунёд МИРЗААХМЕДОВ,
туман СЭО ва ЖСБ санитария
бўлими мудири.

БИРИНЧИ
ТАДБИРКОРЛАР...

Ёзёвонда тадбиркорликка таъмал тошини қўйганлардан бири Исмоил Нурбоевдир. Шу инсон ҳали Совет ҳукумати даврида Россиядан ёғоч олиб келиб, биринчи тадбиркорликни бошлаган. Пул топишни йўлини биладиган одамларни, шу жумладан бешик усталари дейсизми, косиблару савдогар, заргару дўппи тикиб сотувчи дейсизми, қўйингки барча якка тартибда ишловчиларни чайқовчи тамғасини босиб, турли хил жарима, ҳаттоки қамоқ жазоси беришарди, ўша пайтларда.

Ўзбекистонда ҳамма ерга пахта эккани туфайли ҳозиргидек ер увотларига терак эктирилмас эди. Серфарзанд ўзбекка иморат солиш учун ёғочга катта эҳтиёж сезарди. Шундай қийин даврда одамлар жонига тадбиркор Исмоил Нурбоев Россиядан қизил ёғоч олиб келиб, оро кирди. Кунлардан бир кун икки вагон ёғоч олиб келади. Бундан ҳабар топган маъсул лавозимдаги одам кечаси вагонни муҳрлатиб қўяди. Ишбилармон Исмоил ака топган даромадидан янги, ҳали минилмаган "Жигули"ни уйига ёмон кўзлардан асраб қўяганди. Бундан ҳабар топган бояги "шахс" "шу машинани берсанг ёки шуни нархи баробар пул берсанг, очиб бераман", дейди. "Бўлмаса барча топганларингни мусодара қилиб, ўзингни қаматиб юбораман", деб чопар жўнатади. Иложсиз қолган серфарзанд тадбиркор Исмоил Нурбоев ўша кун кечаси айтилган пулни элтиб беришдан ўзга чораси қолмайдди.

Одамларни қамаб, қўрқитиб, оттириб юбориб дағдаға билан бошқарилган СССР қулади. Ўша пайтда стол мансабини суистеъмол қилганлар ҳам уларни яхши кўрган давлати ҳам аллақачон тугади.

Тадбиркорни чўнтагини қоқлаганлар ҳам кексалик даврига етиб кела олмадилар. Охират бор, ҳисоб-китоб бор. Ўша пайтда ҳисобларини бериши бегумон. Аммо бу дунёда ҳам қуруқ қолмас экан. Ҳалқни, одамларни назар-писанд қилмаган "шахс" катта шаҳарда усти-боши ҳўл, пашша босиб, бозор ичида маст ҳолда ухлаб ётган ҳолатини кўриб, жуда ачиндим. Начора одамнинг дилини хира қилувчи бу манзара ҳисоб-китоб борлигини кичик бир кўринишидир. Давлат номини рўқач қилиб, ўз манфаати йўлида ҳар қандай пастликдан қайтмайдиганлар қанча-қанча инсонларни бевақт кетишлигига сабабчи бўлганлар, пировардида нима бўлишлигини билишганда эди.....

Ҳозирги тадбиркорларга давлат раҳбари ўзи раҳнамо бўлиб турган даврга кўплаб ишбилармонлар етиб келолмадилар. Раҳматжон Тўхлиев, Уктамжон Тошмирзаев, Мухаммаджон Исоқов, Тўланбой Норматов, Субхон Мирзаев, Содиқжон Зокиров ва яна мен билмаган сизлар хабардор бўлган қанча тадбиркорлар давр қурбони бўлганлар. Номлари зикр этилганларидан ёш жиҳатдан Исмоил ака Нурбоев каттаси бўлгани билан у жуда чаққон ва шахдам одам эдилар.

Бироқ ўша даврдаги ўша-ушалар, келди-келдилардан юрак олдириб қўйган тадбиркор деган ном улуғланган кунларга Исмоил ака ҳам етиб келмади. Қонхўр, ичи қора тузумни "ҳалолхўр" кадрлари босимларига у кишининг юраги дош беролмади.

Сиз ҳам атрофингизга қаранг, шундай тадбиркор ва шундай порахўрлар сизни ён-верингизда ҳам бўлганлигига имоним комил. Лекин бир савол бор, қани улар ва нималарга эришди?

Давлатимиз раҳбари бежизга Тошкентнинг қоқ марказига коррупцияга қарши рамзий ҳайкал қўймадилар. Инсонлар ҳалоликка эш бўлсинлар, деб йил ўн икки ой Каъбани очиб бердилар. Президентимиз орзуси яна авлодларимиздан буюклар чиқиши ва яна Ўзбекистон бутун дунё бўйлаб ўз олим фозиллари билан маёқ бўлишлигига катта умид билан турибдилар. Бунинг учун албатта ҳаёт мезонини ҳалолликка буришдир.


Илоҳим юртимиздаги барча инсонларни қўллари пок бўлсин! Давлатимиз раҳбарининг орзуси, албатта амалга ошажак. Барибир асл зотлар авлоди аслига қайтиши бегумондир!

Абдулҳамид ЭҲСОНОВ.



Бош муҳаррир
Азимжон
худойқулов

Фарғона вилоят
матбуот ва
ахборот бошқар-
масида 2007 йил 9
январда
12-011 рақам билан
рўйхатдан ўтган.
Бичими А-3.



Газета ҳафтада бир
мarta чиқади

Газета
тахририятига
юборилган
сурат ва
қўлёзмалар
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
150600, Ёзёвон
шаҳарчаси,
Мустақиллик
кўчаси, 1-уй

ТЕЛЕФОН:
(73) 412-15-75

Навбатчи:
Раҳматилло
шодмонов

«ZAKOVAT
NASHRIYOT UYI» МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили:
Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси-17

Бичими: А-3.
Адади: 2640
Нашр
кўрсаткичи:488.

Буюртма № ____
Босишга
топириш вақти:
20.00.
Топирилди:
18.00.

Газета сифати
учун босмахона,
масъул.
Сотувдаги баҳоси
эркин нархда.
-тижорат
материали